

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 85 (2349)

1991 ЙИЛ 16 ИЮЛЬ

СЕШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН.

ФИКРИМНИ БИЛДИРАМАН

ИЛГАРИ ҲАМ СУДЛАНГАН

«Поста» рўзномасининг қайта тикланиши билан нафақат милиция ходимлари, балки, фуқароларнинг ҳам қувончи чексиз. Чунки ҳамма бу нашрни севиб мутулаа қилмоқда.

Рўзномада чоп этилаётган мақолаларга назар ташласангиз, ҳар икки жиноятнинг бирда гап илгари судланганлар ҳақида боради. Фалончи бир одамни ўлдирди, олдин ҳам одам ўлдирди қамалиб чиққан экан, деган жумлаларни кўп ўқиймиз. Масалан, рўзноманинг 62-63 сонларида эълон қилинган «Тунги кўланкалар» мақола-сида ҳам шу ҳақда ёзилган. Муаллиф Абдул Насафий бир рўзномадан: «Кимда-ким қасддан инсонни ўлдирса, унинг номи махсус китобга ёзилиб, етти пуштигача лаънатлансин. Ҳеч қачон улар черковга киритилмасин. Одамлар бундай аблаҳларни даврасига қўшмасин», — деган сатрларни келтиради. Ҳар ҳолда қасддан одам ўлдирган кишини кечирмаслик керак. Бундай жиноятчилар камдан-кам ўз йўлини топиб олади, аксарият ҳолларда эса яна аввалги жиноятини такрорлаб, қайта қамалиб ветадилар. Бундайларнинг ўзларига ҳам аслида олий жазо бериш керак. Чунки уларнинг «тузалиши» қийин. Мен бу борада бир мисол келтирмоқчиман. Янгибозор туманида шунга ўхшаш воқеа содир бўлган. Илгари икки марта одам ўлдириб, жазо муддатини ўтаб келган, 1954 йилда туғилган Файзулла Шарипов уйига меҳмон бўлиб келган 1963 йилда туғилган Ш. Хусанов. 1969 йилда туғилган Р. Муҳаммадҷонов ва О. Аҳмедовлар билан ўзаро жанжаллашиб қолади. Натижада «илгари ҳам судланган» Ф. Шарипов Рустам Муҳаммадҷонов ва Шарифбой Хусановни болта ва пичоқ билан ваҳшийларча чоққилаб ўлдирди. Оғир яраланган Олимбой Аҳмедов эса зўра қочиб қолади. Агар Янгибозор ту-

мани ИИБ ДАНБ катта инспектори милиция майори Мадрахим Бозорбоев, ДАНБ ходими Икром Қўзиёв ва соқчилик бўлими бошлиғи милиция капитани Одилбек Матқаримовлар ваҳшийлашган Файзуллани ўз вақтида қўлга олмаганларида эди, бу «илгари судланган» яна қанча кишининг ёстигини қуритарди.

Хўш, бу кимса ҳаммаси бўлиб қанча беғуноҳ одамнинг умрига зомин бўлди, дерсиз. Тўртта. Агар биринчи марта қотиллиги учун олий жазо берилганида эди, унинг қўлида қурбон бўлган яна уч кишининг орқасида қанчадан-қанча одамлар йиғлаб қолмаган бўларди. Менимча, ким қасддан одамларни ўлдирса, босқинчилик қилса, вояга етмаганларнинг зўрлаб номусига тегса ва шунга ўхшаш оғир жиноятларни содир қилса, унга фақат олий жазо бериш керак.

Бу менинг шахсий фикрларим, албатта. Лекин ким билан суҳбатлашманг, ҳамма шу таклифни айтмоқда. Балким, тўғридир?! Балким... Бу ҳақда яхши ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари ўйлаб кўришса, яхши бўларди.

Бундан ташқари, қасддан одам ўлдирганларга ҳам ҳимоячи белгиланади. Баъзан ўйлаб қоламиз. Қайси ҳимоячи буларнинг ёнини оларкан? Қандай виждонли киши қабиҳ ниятли кимсани баданни сесканмасдан ҳимоя қилишга журъат этаркан?!

Б. САЪДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН: муаллиф тилга олган фикрлар кишини ўйга толдиради. Бехосдан қўлингга қалам олиб, қалбингиздаги қоғозда туширишга мажбур эвади. Шунинг учун Б. Саъдуллаевнинг мактубини ҳукмингизга ҳавола қилдик. Унда кўтарилган таклифларнинг нечоғли тўғри ёки нотўғри эканлигини баҳолашда яна бир қарра ўйлаб кўринг.

ЯНГИ РУКН ОЧИЛСА...

Мен «Поста»нинг доимий ўқувчисиман. Бирорта сонини ҳам қолдирмай мутулаа қиламан.

Рўзномани янада ўқиниши ва ранг-баранг қилиб чиқариш учун битта таклиф бор эди. «Ҳуқуқшунос минбари» ёки «Ху-

қуқшунос ён дафтаридан» деган янги руқни ташкил қилсангизлар. Назаримда, ана шундай руқни остида бериладиган материаллар, айниқса, ички ишлар ходимлари учун фойдали бўларди.

Жамила МАТМУСАЕВА.



КЎПРИК СОҚЧИЛАРИ

Бундан икки йил муқаддам Амударёнинг ҳар икки томонидаги халқларни бир-бирига боғловчи ришта — Беруний-Урганч йўлида дарё кўприғи қурилган. Ўтган йили эса худди шундай кўприк Тўрткўл-Хонқа йўналишида ҳам ишга туширилди. Шундан сўнг бу йўлларда уловлар ҳаракати кучайди, айни пайтда Беруний ва Тўрткўл туманлари ИИБ ДАН ходимларининг масъулияти ҳам ошди.

— Ҳар куни бу кўприклардан минглаб машиналар ўтади, — дейди Беруний тумани ИИБ пост-патрул хизмати ходими Ҳамро Йўлдошев. — Уларнинг ҳаракатини назорат қилишимиз, қондабузарликка йўл қўймаслигимиз зарур.

— Кўприклар Урта Осиё давлат кемачилик ташкилотига қарайди, — дейди матрос Менглибой Жуманиёзов. — Дарёдан юк кемалари ўтаётган пайтда кўприкни ажратамиз. Шу пайтда, айниқса, ИИБ ходимлари ёрдандан мамнун бўлаёмиз.

СУРАТЛАРДА: кўприк соқчилари хизмат пайтида.

Саъдулла БОБОЕВ олган суратлар.



АКС-САДО

«Жиноятчилик кўпаймоқда: нега?»

«Поста» рўзномасида 22 июнь куни Дилмурод Сандовнинг мақоласини ўқиб, жуда таъсирландим. Барака топкур, кўнгилдаги гапларни ёзибди. Шу нарса туртки бўлди-ю, ўзим анчадан бери ўйлаб келаётган фикрларни ўқувчилар муҳокамасига ташлашга қарор қилдим.

Чиндан ҳам илгарилари жиноятчилик бу даражада кўп

бўлмаган, нега! Чунки одамзод яралибдики, рўзгор тебратиш отанинг, болаларни оқ ювиб-тараш, уларнинг тарбияси билан шугулланиш оналинг эзмасига юклатилган. Энди-чи! Онлада ота ҳам, она ҳам ишлайди. Иккови ҳам тонгда ишга отланиб, қош қорайганда ҳориб уйга кириб келади. Болалар эса мутлақо қаровсиз. Назарим-

да, масаланинг ана шу жиҳатига кўпроқ аҳамият бериш керак.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат кексаси.

Дилмурод Сандов кўтарган муаммоларни жуда долзарб деб ҳисоблайман. Илкони бўлса, бу мақолани рус

тилига таржима қилиб, «На посту» рўзномасида ҳам чоп этиш керак. Яна шунини айтмоқчи эдимки, оддий бир журналист сезган ва матбуотга олиб чиққан нарсани, наҳотки, ҳуқуқ-тартибот идораларидаги, халқ таълимидаги мутасаддилар сезмаётган бўлсалар? Муаллиф ёзганидек, лоқайдлик иллати кўпчилиكنинг кў-

зини кўр, қулоғини қар қилиб қўйган.

Шу ўринда гурурсизликнинг, лоқайдликнинг кўринмас ипларига илиниб қолган ва бу тўрдан чиқа олмаётганлар Дилмуроднинг мақола-сидан хулоса чиқариб олсалар ёмон бўлмасди.

Тўлқин ЕРҚУЛОВ,
ТошДД толиби.

«Қорадори—91»

ОЛОВДАГИ ЗАҲРИ ҚОТИЛ

Олтиариқ тумани ИИБ ходимлари Қизилтепа участка инспектори милиция капитани Раҳимжон Бавчонов ташаббуси билан «Комсомол» жамоа ҳўжалиги, «ССЖИ 60 йиллиги» шўро ҳўжалиги ҳудудларини текширишди. Ёввойи наша ўсимлигини аниқлаб, уларни ёқиб юбордилар. Рейд даврида шахсий томорқа ҳўжаликларини ҳам кўздан кечиришди. Фуқаролар Ш. Холдоров, Р. Сайдалиева, М. Аҳмедова, М. Султонова, М. Эргашеваларнинг

полиэлариди кўкнори кўчалари топилиб, йўқ қилинди. Қувасой ИИБ ходимлари цемент комбинати ишчилари М. Алиев, Р. Абдурахмоновлар эккан 100—110 туп «ажал уруғи»ни ҳам иддизи билан юлиб ташладилар. Фарғона шаҳар Дзержинский, Фрунзе кўчаларида яшовчи Т. Тимофеева, Р. Бакиров, М. Маматовларнинг ҳам етилиш арафасида турган кўкнориларини тағ-томири билан суғурдилар. Абдуҳаким АХМЕДОВ.

ХАРСАНГТОШЛАР ОРАСИДА

Ички ишлар бўлиминизга туманимиз ҳудудининг Самарқанд вилояти Ургут тумани билан чегарадош қисмида, яъни Зарафшон тоғ тизмалари оралигида кўкнори майдонлари мавжудлиги ҳақида хабар тушди. Зудлик билан жиноят қидирув катта опервакили милиция капитани Норматхон Доверов раҳбарлигидаги опергурух тузилди. Унга милиция кичик сержанти Юнус Қодиров, ДАН инспектори Камол Раҳимов, эксперт-криминалист Муҳаммад Раҳматов киритилди. Улар тушган машина чўпонларнинг вақтинчалик қўналғасига амаллаб етиб келди. Милиция ходимларига олдинга юриш учун фақат биргина йўл қолганди. У ҳам бўлса зўрга ўтиш мумкин бўлган сўқмоқлардан пиёда кетиш эди.

Довонлар оша беш соат деганда Султонтутти деган сойликка етиб келишди. Катта-катта қоялар тагидаги харсангтошлар орасида ҳар ер-ҳар ерда кўкнори ўсимлиги ўсиб ётарди. Бу майдончалар ўлчаб кўрилганда, жами 3 гектару 73 сотих жойда заҳарли оғу борлиги аниқланди. Шундан сўнг бу заҳри қотиллар осойишталик посбонлари томонидан йўқ қилиб ташланди. Биргина шу тadbир орқали содир бўлиши мумкин бўлган юзлаб жиноятларнинг олди олинди, кўлаб инсонларнинг соғлиги сақлаб қолинди. А. ҚИЕМОВ, Китоб тумани ички ишлар бўлими бошлигининг ўрнибосари милиция катта лейтенанти.



Мурабий... Унга қарашади. Унга тенглашишади. Покиза қалбли, теран фикрли, меҳнатқаш у. Бу ҳислатлар Ильич тумани ИИБ бошлигининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўрнибосари милиция капитани Фаил Маликовга хос. У бунга жамоанинг ҳар бир аъзосидан ҳам талаб қилади. Жиноятчиликка қарши курашнинг қанчалик шижоатли ва изчил олиб борилиши, жамоат тартибининг яхшиланиши кўп жиҳатдан унинг тутган позицияси, ҳатти-ҳаракати ва ҳулқиға боғлиқ. ИИБнинг изланишда, ўз фаолиятининг шакл ва усулларини янгилаш муҳитида яшаш ҳам ҳар томонлама унга даҳлдор. Бу ишда унга комсомол ва фирқадаги тажрибаси, Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув олийгоҳида олаётган билимлари қўл келмоқда.

ЗўРАВОН

Кечқурун соат 23 дан 30 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳар ИИБ давлат автомобиль назорияти бошқармаси ходимлари томонидан яна бир жиноятчи қўлга туширилди. Катта тезликда келаётган «ВАЗ-2121» белгили И 3951 ТН рақамли автомашина йўл назорати хизмати ходимлари милиция лейтенанти М. Миржалолов ва милиция сержанти А. Суяровларни сергалантирди. Улар дарҳол шубҳали ҳайдовчига тўхташ ҳақида ишора қилишди. Бироқ у милиция ходимларининг кўрсатмасини писанд ҳам қилмай йўлида давом этаверди. Шундан сўнг ходимлар зарурий чора қўллашга киришдилар. Қочоқ Шастри кўчасига етганда тўхтатилди. Қисқа вақт ичда автомашина В. Смирновга қарашли эканлиги аниқланди. Уни бошқариб бораётган В. Петров эса уловни ўз эгасидан зўрлик билан тортиб олган экан. В. Петровнинг ушбу ҳатти-ҳаракатлари юзасидан жинорий иш қўзғатилиб, ҳозирда тергов ишлари бошлаб юборилди. Рамзиддин МУҲИТДИНОВ, Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходими милиция лейтенанти.

Бўстонликда дув-дув гап. Нима эмиш — Қўшқўрғон қишлоғида юлғичлар ҳаракати тобора ривожланиб бораётганмиш. Бу миш-мишларга ишонганлар тўғри қилишди, ишонмаганлар эса... Қўшқўрғон матлубот жамиятига қарашли 7-дўконга кириб келган харидор Қўлматов бешта целлофан пакетда оғирлиги 530 грамм тамаки сотиб олди. Сотувчи қўлига эса битта яхлит 10 сўмлик узатди. Хурсаной Ҳазимбетова унинг андишадан одам эканлигини сезиб, 3 сўм 67 тийин қайтим бериниш ўзига «эп» кўрмади. Эй, хом сўт эмган банда, дея ўзини ўзи койяпти, ҳозир у, агар ўшанда нафс гапига кирмаганда, уч юз сўм жарима тўламаган, боз устига уч йил муддатга савдо ишидан четлатилмаган бўларди. 17-дўконда эса бундан ҳам қизиқ ҳангома бўлди. Дўконга кириб келган харидор

мудир Собир Тўйчибоевдан сўради. — Кечирасиз ака, кир ювиш машинаси борми? — Йўқ. — Чанг тозалагич-чи? — Тугаб қолувдия! — Ёзда жула қийналиб кетдик, ҳеч бўлмаса битта музлатгич топиб бермасангиз бўлмайдим. — Хабар олиб турунг, келиб қолар. — Биттагина дазмол топилар? — Э, афсус, — деди мудир хира харидор-жонига теккач. — Лекин у янглишибди. Бу харидор БХСС вакили экан. Уч-тўрт гувоҳ билан омбор

ни текшириб қолибди. Мудир яхши кўрадиган «Йўқ» сўзи ўзига хос «парол» экан. Омборда ҳар бири 43 сўм турадиган 2 дона «Буран» чангютгичи, ҳар бири 76 сўм 50 тийин турадиган учта «Киргизия» кир ювиш машинаси, 240 сўмлик «Бирю

нинг 2 минг 63 сўм 15 тийинни кассага топшириш ўрнига жигилдонига уриб юборибди. Э, қойил, дейишди суддагилар... Искандар матлубот жамиятига қарашли 4-озиқ-овқат дўкони мудир Маҳбуба Ибрагимова ҳам аёл киши бўлсада, олгирликда Қўшқўрғондаги мусобақадорларидан қолишмас экан. 2 март кунги «Жасорат» вносини харидор Борисенкога «жасорат» билан пуллабди. Қандай қилиб дейсизми? Ахир, тўрт ишча вино сотиб, 3 сўм 20 тийинни уриб қолиш ишбилармон сотувчилар ибораси билан айтганда, «жасорат» да. Лекин бу «жасорат» ни туман халқ судидагилар 400 сўмлик жарима билан баҳолашди. Бу баҳо қанчалик тўғрилигини Бўстонлик тумани матлубот жамиятлари уюшмаси раҳбарияти ўзларича бир муҳокама қилиб кўришар, деган умиддамиз. Маҳкам ҚАКИМОВ.

Қўшқўрғондаги қўшюлғучлар

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ЖАНЖАЛКАШ ТЕХНИК Об-ҳавони кузатиш марказида табиат қош-қовоғидан ўртак оладиган кишилар ҳам ишларкан. Илгари судланган катта техник Е. Чеботарев маст ҳолатда кўшниси билан фикиллашиб қолганда, Тошкент шаҳар Лисунова даҳасидаги уйининг деразаси ойнасидан кичик оғизли милтигини чиқарди. Роса мўлжаллаб, «ғашига теккан қизга қарата ўқ узди. Кўрагидан яраланган жабрдийда оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. «КЕЛИН» УҒРИСИ Бахтни ўғирлаб қўлга киритса бўладими? Бу саволга Қорақалпоғистон жумҳуриятининг Ленинобод туманида яшовчи Б. заррача бош қотирмасдан: «Бўлади!» — деб жавоб қайтаради. Унинг нотовон кўнлига «Ленинград» давлат ҳўжалигига экинлар парваришида кўмаклашиш учун келган ҳуриликко ёқиб қолибди. Уйланиш истаги қўймагач, ичини ёндираётган дәрдини офтобда қатиқ

ялашган оғайнилариға тўкиб солди. Дўстинг учун заҳар ич, деган ақидаға амал қилган тенгдошлари Р. ва Ж. ёрдам бериш мақсадида қамшдан бел боғлаб, шартта энгни шимаришди. Қиз яшаётган остонаға бош уриш-ни эскилик сарқити деб ҳисоблашди. Шунинг учун тунги соат учларда Б.ға қарашли «Москвич» автомашинасида белгиланган жойға келишиб, 18-ўрта махсус хўнар-техника билим юртининг 15 ёшли ўқувчиси К.ни ўғирлаб кетишди. Лекин шошилишда «келинчак»нинг ризолигини олишмағай экан, ишлари прокуратураға тушиб ўтирибди. Ахир, УзССЖ ЖМ-да келин ўғирловчиларға нисбатан тегишли жазо чоралари қўллаш кўрсатиб ўтилганда! ФИЛДИРАҚДАГИ АЖАЛ Мотоциклини бошқариш ҳайдовчидан ўта эҳтиёткорлик ва маҳоратни талаб этади. Чунки икки филдиракли уловда ҳалокатға учраш оқибасти нисбатан оғир ке-

чади. Шунга қарамасдан юзига урилаётган ҳаво оқимига маҳлиё бўлиб, ҳавфхатарни унутган мотоцикличи ёшлар учраб турибди. Рулдаги шўхлик эса нима билан тугарди... 10 июль кунни тунги соат учларда Ҳамза тумани озиқ-овқат савдоси идораси сотувчиси 23 ёшли Р. Юсупов Оҳангарон шохкўчасида «Ява» белгили 88-43 ТНА рақамли мотоциклини бошқариб бораётиб, темир-бетон айирмага урилди. Мотоцикл ағдарилиб кетиб, ҳайдовчи ва унинг 20-25 ёшлардаги ҳамроҳи воқеа юз берган жойда ҳалок бўлди. Бу ҳодисадан салкам икки соат ўтар-ўтмас Чирчиқ кўчасида фожиа содир бўлди. «Ява» белгили рақамсиз мотоциклда «сайра» га чиққан номаълум ҳайдовчи Юбилей кўчасида «РАФ» автомашинасиға урилди. Бир йўловчи ҳалок бўлди, иккинчи ҳамроҳ ва ҳайдовчи даволаниш учун шифохонаға тушди. Ғ. ЖУРАЕВ.



Йўлдаги турли тасодифларнинг олдини олиш, йўловчиларнинг ўз манзилларига бешикаст етиб боришларини таъминлаш фақатгина ДАН ходимларигагина эмас, ҳайдовчиларнинг ўзларига, қолаверса, уларга сабоқ берадиган автоҳаваскорлик жамиятларига ҳам боғлиқ. Қарши тумани ИИБ ДАН бўлимаси бошлиғи милиция майори Ф. Турсунов ўзининг кўп йиллик тажрибаларида-

вомида ана шундай хулосаға келган. Суратда: Ф. Турсунов (ўртада), туман автоҳаваскорлар жамияти раиси Т. Турсунов ва ДАН инспектори А. Сатторовлар билан туман ҳудудидан ўтувчи йўлларда уловлар ҳаракатини биргаликда назорат қилиш юзасидан ўзаро фикр алмашмоқдалар. Сурат муаллифи А. НУРОВ.

ХОТИРЖАМ ЯШАЙЛИК

Кейинги даврларда савдо дўконлари пештахталаридан деярли барча маҳсулотларни топиш амри-маҳол бўлиб қолди. Таъминотдаги тақчиллик осон йўллар билан мўмай даромад орттириш пайида юрган, пул учун ҳеч қандай жирканч ишдан ҳам тап тортмайдиган, виждон ва имонини ютган баъзи кимсаларга жуда ҳам қўл келмоқда. Уларга эса савдо шохобчаларидаги ва турли хил корхоналардаги «саҳий амаки»лари катта ёрдам бермоқдалар. Шунинг учун ҳам бундай шахслар ўзларининг қора ниятларини ҳеч бир қийинчиликсиз амалга оширмоқдалар.

Уларини «замонавий ишбилармон»лар деб санайдиганлар ҳозирги пайтда ҳамма жойда истаганча топилади. Шу жумладан Мирзачўл туманида ҳам. Улар содда одамларнинг ҳаменидан жарақ-жарақ пул санаб олган пайтларида бу дунёда фақат ўзлари билимдон эканлигидан қувонар, яна ва яна кўпроқ дунё тўплашга интилишарди. Меҳнатсиз топилган ҳаром пул бир кунмас бир кун жарга қулатиши чўчитмасди ҳам. Қайтага чўнтаги қаппайгани сари бошқаларни менсимай, уларнинг гўллигидан «қаҳ-қаҳ» отиб кулардилар. Ана шулардан бири Бозорбой Буркитовдир. У ким дейсизми? Келинг, яхшиси унинг афт-ангорига яхшилаб назар ташлайлик, касб-коридан жиндак хабардор бўлайлик.

Уттиз ёшдан эндигина ошган қахрамонимиз Дўстлик туманидаги Ленин номидаги жамоа хўжалигининг Самарқанд кўчасидаги 80-уйнинг биринчи хонадониде истиқомат қилади. Шу хўжаликнинг транспорт бўлимида механик бўлиб ишлаётди. Ававалига топганига қаноат қилиб, тинчгина яшаб юрарди. Аммо кунларнинг бирида хаёлига «ажабтовур» фикрлар келиб қолди. Кўз ўнгидан турли тусдаги пуллар оқими ўта бошлади. Ҳалиги қургурларнинг оҳанграбоси уни ўзига маҳкам тортиб олди, гўёки қўлоғи ипсиз боғлангандек эди.

—Бошқалардан нимам кам? Юришибди-ку, маза қилиб. Машина минсам, дөнгиллама уй курсам, камбағалнинг тушига ҳам кирмайдиган жаннатмакон жойларда мириқиб ҳордиқ чиқарсам дейман. Балки, болаларнинг онасини ҳам... — у орзулар қаноти ёрдамида еттинчи фалакда сархуш кайфиятда парвоз қиларди.

Бироздан кейин чўчиб ўридан турди. Ахир, бу ишларга пул керак. Ақчани топиш учун эса каллани ишлатиш шарт.

Бу ишда унга эски танишлари ёрдам беришди. Қандай қилса, кўпроқ даромад орттириши мумкинлигини ўргатишди. Шундан кейин «янги хунари»га қаттиқ киришиб кетди. Уйда коньяк тайёрлаб сота бошлади. Ҳеч ким шубҳаланмасин, дея тайёр маҳсулотни кўни-кўшниларга ҳамда яқин атрофдагиларга сотмасдан, узоқроқда жойлашган дўконлардаги «огайни»ларига етказиб бериб турди. Пул дегани оқиб кела бошлади. Аммо ҳар қанча эҳтиёт бўлишга уринмасин, чуви чиқиб қолди...

Мирзачўл тумани ИИБ ходимлари Гагарин шаҳридаги дўконларда қўлбола коньяк сотилаётганлиги тўғрисида хабар олишгач, тезликда оператив гуруҳ тузилди. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги Турғун Абдиев раҳбарлигидаги опергуруҳ зимдан иш олиб бора бошлади. Кузатув чоғида шу нарса маълум бўлдики, Мирзачўл тумани матлубот жамиятига қарашли бўлган иккита дўконда (мудирлари М. Асқаров, Г. Абсентова) ноқонуний равишда тайёрланган спиртли ичимликлар сотилаётган экан. Текширув чоғида ушбу дўконларнинг биридан 80 шиша, иккинчисидан 42 шиша қўлбола «Ўзбекистон» коньяги топилди.

Кейинги излар опергуруҳчиларни Бозорбойнинг уйига олиб борди. Бу хонадон кўздан кечирилганда, яшириб қўйилган кўп миқдордаги бўш шишалар, коньякнинг тиқинлари, ёрликлари, 20 литрлик 10 дона коньяк сақланадиган идишлар, коньяк тайёрлайдиган ускуна ва анчагина миқдордаги пул далилий ашё сифатида олинди.

Бозорбой аввалига шерикларининг номини айтишдан бош торди. Мирзачўл тумани ИИБ БХСС катта опервакили

милиция майори Халил Эгамовнинг топқирлиги, ишни пишиқ-пухта олиб борганлиги натижасида Буркитовнинг «ҳамкасби» аниқланди. У Янгийўл шаҳрида истиқомат қилувчи Талиб Ражабов экан.

Шундан сўнг қайта опергуруҳ ташкил этилди. Давлат хавфсизлик кўмитаси Гагарин шаҳар бўлимининг бошлиғи подполковник Исмоилжон Муқаддасов раҳбарлигидаги гуруҳ Янгийўл сари йўл олди. Унга БХСС катта опервакили милиция майори Халил Эгамов, бош терговчи милиция подполковниги Қарсибой Бейсеков, жиноят қидирув оператив вакили милиция лейтенанти Порсаҳон Турғунов, участка вакили милиция лейтенанти Маҳмуд Қувватов киритилди.

Т. Ражабовнинг уйи текширилганда, у ердан 68 минг 815 сўм пул, 6 минг 900 сўмлик давлат заёми, 9 минг 010 сўмлик жамғарма дафтарчаси, 4 минг 395 сўмлик тилла буюмлар, коньяк тиқинлари, шишанинг оғзини ёпадиган электр двигателли ускуна, 8 дона «Адидас» спорт кийими, 11 дона сувдон (фляга), 570 литр қўлда тайёрланган коньяк суюқлиги топилди.

Яна битта захри-заққум макони йўқ қилинди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Мирзачўл ту-

мани ИИБ ходимларининг бир неча куну тун тинимсиз излаишлари, жонни жабборга бериб, тер тўкканлари натижаси, албатта.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим. Мен ҳозир захри-заққум деган иборани бекорга келтирмадим. Чунки ноқонуний равишда тайёрланган спиртли ичимликларни истеъмол қилган қўллаб одамлар ногирон бўлиб қолимоқда, баъзилари эса ҳаётдан эрта видолашмоқда. Сабаби маълум, ҳеч қандай маълумотсиз, керакли текширувсиз тайёрланган бундай ичимликлардан ўта кучли захарли идишлар содир бўлмоқда. Тўғри, Мирзачўл туманида ҳозирча ҳеч ким захарлангани йўқ. Ҳеч қачон бундай воқеа юз бермасин, илоҳим. Лекин ана шундай кўнгилсиз ҳодисанинг юз бермаслигига ким қафиллик бера олади. Шунинг учун ҳаммамиз хушёр бўлишимиз лозим. Ўрни келганда эса ножаъ ҳатти-ҳаракатлар ҳақида оқоиништаклик посбонларини огоҳлантириб туришимиз шарт. Ушанда бола-чақамиз тинч, ўзимиз хотиржам яшаймиз.

Абдул НАСАФИЙ.
СУРАТЛАРДА: ўртада БХСС катта опервакили милиция майори Халил Эгамов; далилий ашёлар.

ЭГРИ ИШ—КЕЛТИРАР ТАШВИШ



ЯНА ЧАЙҚОВЧИЛИК ҲАҚИДА

Мамлакатда иқтисодий аҳволнинг ночорлигидан усталлик билан фойдаланаётганларнинг бири чайқовчилардир.

Ҳазорасп туманида ҳам улар тобора илдиш отиб бормоқда. Маҳаллий рўзномада бу ҳақда мақолалар берилишига қарамай алоқадор ташкилотлар, жумладан, матлубот жамиятларининг маълумияти, маориф бўлими, ёшлар масалалари билан шу-

гулланувчи идораларнинг масъул раҳбарлари томонидан лоқайдлик сезилмоқда.

Туман марказида сигареталар, сўйилган гўшт ва бошқа моллар билан чайқовчилик ҳамманинг кўз ўнгида бўлаётгани халқнинг ўридли эътирозларига сабаб бўляпти.

Тўғри, ИИБ бу хил қонунбузарликка қарши курашяпти. Шу йилнинг 5 ойи давомида 35 олибсатар маъму-

рий тартибда жазоланди. Уларнинг орасида савдо ходимлари, ўқувчи ёшлар ва бошқа касб эгалари бор.

Шу ўринда қишлоқ Кенгашлари фаоллашган, ноиблар, ташкилот раҳбарлари, зиёлилар ва масъул ўртоқлар ўз ҳудудларида ЎзССЖнинг «Савдодаги суиестемоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қонунини аҳоли ўртасида тарғибот қилишда, ай-

ниқса, жонбозлик кўрсатишлари зарур. Чунки унинг 175-моддасини кўпчилик ҳам тушунавермайди.

Халқ милицияси билан қанчалки яқин ҳамкорлик қилса, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги муваффақиятлар юқори даражада бўлиб, энг муҳими жиноятнинг кириб келадиган «туйнуқлари» берилмади.

Ш. НУРУЛЛАЕВ,
Ҳазорасп тумани ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимидаги бошлиғи милиция майори.

БЕХОСИЯТ ТАШРИФ

Уша кунни эр-хотин Илгиз ва Людмила роса мириқиб пиво ичишди. Илгизнинг расво бир одати бор. Мастликда кўнгли туссаган ишни қилмасдан қўймади. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Қани, ке-е-етдик, — деди у хотинига.

— Қа-ё-ёққа? — алжиради Людмила.

— Дўстимникига м-мехмонга бо-раимиз.

— О-ол-ға!

Амал-тақал қилиб улар кеч соат 24 да йўлга чиқишди. Улар бир-бирларини суяшиб, Илгиз истаган хонадонга етиб келишди. Бироқ мезбон уйда йўқ экан.

Людмиланинг қарахт бўлиб турган калласига элас-элас шу яқин атрофда яшовчи бир таниши келди. Кейин эса у эрига шу ерда пойлаб туришини айтиб, ўзи ўша дугонасиникига жўнаб кетди.

Бемаҳалда дарвозаси тақиллаганидан ҳайрон бўлган Наталья аста кўча эшигини очди. Остонада кайфи тараंग Людмила турарди. Наталья уни уйига таклиф қилмади. Аксинча савол назари билан унга тикилди. Жаҳли чиққан Людмила: «Сенга берган буюмининг пулини тўла»,— дейишдан бошқа гап топа олмади.

— Қанақа буюм? — ҳайрон бўлди Наталья.

Қисқаси, шу ерда жанжал бошланди. Бунни кузатиб турган Илгиз бир зумда етиб келди ва нима гаплигини ҳам суриштириб ўтирмай, хотинининг безориларча ҳаракатига жўр бўлди. Наталья қичқириб, эрини ёрдамга чақирди. Собир хотинининг овозини эшитгач, ичкаридан ўқдек отилиб чиқди ва Натальяни улар чангалидан кутқариб олди. Тажовузкор эр-хотинни эса итариб юборган эди, улар йиқилишди. Аламга чидай олмаган Илгиз ўридан турди-да, чўнтагидан пичоқ олиб, Собирни бир неча жойидан жароҳатлади. Ҳаётини эса шу захоти жуфтани ростлади.

Яқинда Собир Раҳимов тумани халқ судида Х. Жалилов раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида Илгиз Зариповнинг жиноий иши кўриб чиқилди. Эндигина 25 ёшни қаршилаган бу йигит беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Жазони эса кучайтирилган ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида ўтайди. **Мўйдин СҮФИ.**

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ДАЛИЛЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

«Поста» рўзномасининг 23 апрель сониде эълон қилинган «Томонларнинг эътирозий йўқ» номли мақолада журналист Исмоил Минаваевро келтирган далиллар тўла-тўқис тасдиқланди.

Ҳақиқатдан ҳам Тошкент шаҳар ИИБ ДАН бошқармаси инспекторлари милиция сержантлари З. Имомалиев ва Б. Ориповлар поста турганларида ҳайдовчининг арзини тинглаб, унга ёрдам бериш ўрнига лоқайдлик қилганлар.

Маъмур факт шаҳар ИИБ давлат автомобиль назорияти бошқармасида муҳокама қилинди. Уз хизмат бурчини суиестемол қилган Зокиржон Имомалиев ва Бахтиёр Ориповларга нисбатан танқидий фикрлар айтилди ҳамда улар қатъий огоҳлантирилди. Автомашиналар тўқнашувиде айбдор бўлган шахсга нисбатан эса тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маъмурий жазо чораси қўлланди.

Николай УДАЧИН,
Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ бўлаги командирининг ўринбосари милиция подполковниги.

1. Қора тутун

Шу йил 2 февралга ўтар кечаси яппанликлар милиция ва ўт ўчириш машиналари чинқиригидан чўчиб уйғонишди. Бу пайтда шаҳардаги биринчи ва иккинчи кўпмолли дўконлар аланга ичида қолганди.

Оломон гўёки қудратли тўлқиндек икки ёққа шитоб билан оқарди. Ҳамма саросимада. Бақиринқ-чақиринқ, ғала-говур, машиналарнинг гуриллаган овози атрофни тўтиб кетган. Ичкаридан бурқсиб чиқаётган қоп-қора тутун кўкка қараб ўрмалар, зангори «дев» эса баҳайбат сариқ тилини олис-олисларга чўзар, деразалардаги пардаларни аллақачон ямлаб, кулга айлантирганди.

— Назаримда, қиёмат-қоийм яқинлашиб қолди-ёв!

— Э, қўйсангизчи, бунда қандайдир мафиянинг қўли бор. Бўлмаса, бир пайтда иккита магазинга ўт кетармиди!

— Ҳар нима бўлганда ҳам давлатга катта зиён етдида...

Одамлар шу қўйи фарзгумонларини бир-бирларига билдиринишарди. Ниҳоят, тилсиз ёв даф этилди. Халқ ҳам бирин-кетин уй-уйига тарқалди.

2. Янги лавозим билан ёки ёқимли иштаҳа!

Ҳусниддин Икромиддинов 1989 йил март ойида 1-кўпмолли дўкон бўлимига, Исоқжон Уринов эса 1989 йил июнь ойида 2-кўпмолли дўкон бўлимига мудир этиб тайинланди. Ҳар икки оғайни ҳам янги амал курсисига жойлашиб ўтириб олгач, давр келганда яшаб қол, деган нақлга амал қилишди.

Шу ўринда янги мудирларнинг ҳар бирини рўзномамиз мухлисларига яқиндан таништириш, улар фаолиятдан чуқурроқ оғоҳ этиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Ҳусниддин Икромиддинов 1965 йилда Ўзбекистон туманида туғилган. Яйпан шаҳрининг Октябрь кўчасидаги 23-уйда истиқомат қилади. Оилали, иккита бири-биридан ширин фарзанди бор.

Тўғриси айтганда, у аввал ҳам ёмон яшамасди. Бировдан кейин бўлса, бировдан олдин. Топгани рўзгорига бемалол етарди. Янги лавозимга тайинланди-ю, шу пайтгача кечган умрига ачиноиб кетди. Мана энди давру даврон сурса бўлади.

Унинг қувонганича ҳам бор эди. Нега деганда кўпмолли дўконда тайёр кийимлар бўлимида «хўжайин». Бошқача айтганда, ўзи хон, қўланкаси майдон. Ҳар кун неча минг сўмлик савдо қилинади, жарақ-жарақ пул тушади, қўлга. Лекин бу пулларни матлубот жамияти кассасига топшираёсанми-йўқми, деб тергайдиган одам топилмайди.

Тўғри, дастлабки пайтларда тартиб-қоидага бир оз амал қилиб кўрди. Илдиэ отиб олгач, ҳаммасига қўл силтади. Пул фақат белга эмас, юракка ҳам қувват бағишларкан. У тўқликка шўх-



лик, деганларидек, қимор-бозлар билан оғайингарчиликни бошлаб юборди. Омонат пулларни «гардкам»га тикиб юборишдан чўчимай қўйди. Чунки енгил ҳаёт кечирини йўлини топиб олган, савдо унинг назариде соғин сизир эди. Соғиб олганнинг ўзиники, деб ўйларди. Уша «соғин сизир» унга «ВАЗ—2101» белгили Е 88—24 ФЕ рақамли машина ҳада этди. Ҳатто ўша машинага ёниги қўйиш, қимматбаҳо кийим-кечаклар харид қилиш ҳам «соғин сизир» ҳиссасига тўғри келарди.

Ниҳоят, 1990 йил 16 август кун тафтишчи Раҳимжон Умаров бўлим молиявий аҳволини тафтиш қилишни бошлаб юборди. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас экан. Ҳусниддиннинг пайтавасига қурт тушган маҳалда Яйпан матлубот жамияти бош ҳисобчиси Ниёзали Эркабоев жонига оро кирди.

— Менга қара, Раҳимжон, — деди у тафтишчига, — ўзбекларда султон суягини хўрламас, деган гап бор. Ҳусниддин ҳали ёш. Билмаганларини ўргатиш, тарбиялаш бизнинг вазифамиз бўлиши керак.

— Унда нима қил, дейсиз? — Хабарим бор, 18 минг камомлади бор экан. Ҳеч қис йўқ, бу пулни еринин тагидан бўлса ҳам келтириб, жойига қўяди. Сен бунни билиб-билмаганга олсанг бўлгани.

Шундай қилинди. Ҳусниддин танишларидан шунча пулни топди. Султон Мирзаевдан 8 минг, Баҳром Холматовдан 10 минг сўм олиб, матлубот жамиятига топширди. Сих ҳам қуймади, кабоб ҳам. Савдо соҳасида умуман тажрибаси бўлмаган Турғун Бекмирзаева номини мушарраф этиб тайинланганини

ҳисобга олмаганда, ҳеч нарса ўзгармади. Амалда эса Икромиддиновнинг талон-тарожчилик ҳаракатига кенг имконият яратилди.

3 октябрь кун эса мазкур бўлимда яна қайтадан тафтиш бошланди. Бу сафар Гулҷеҳра Мараимова 23 минг сўмлик камомад борлигини аниқлади. Лекин мудирнинг суянган тоғлари — бош ҳисобчи Эркабоев ва матлубот жамияти раиси Қодировлар ўртага тушишди. Тўғрироғи тафтишчига тазийқ ўтказишди. Яна ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверди. Ҳомийларига қаттиқ ишонган Ҳусниддин чекнига тушган мудирликни ўзига қайтариб олди. Яна дўпписини осмонга отиб, кайф-сафо қилишда давом этди.

Қимор ўйнаб ютқазини уни заррача ташвишга солмасди. Қайтаганга 24 минг сўмга «ВАЗ—2107» белгили Е 33—88 ФЕ рақамли машина сотиб олди.

31 октябрь кун Муқим Деҳқонов дўкондаги молларни текшириб кўриб, қайд этиш жараёнида 70 минг сўмликдан зиёд камомад борлигини маълум қилди. Яна Ниёзали Эркабоев эркатойини қўллаб юборди.

Ҳусниддин бу ишлардан хулоса чиқариши керак эди. Лекин у янада ҳаволанди. Ўзини Саид Олимхон хазинабонидек ҳис қилиб, давлат пулларини кўкка совираверди. 1991 йил биринчи февралга қадар 110 минг 439 сўм 95 тийинлик савдо пулларини ва молларни ҳам қилиб юборди.

Иккинчи «қаҳрамонимиз» Исоқжон Уринов 1961 йилда Ўзбекистон туманида таваллуд топган. Яйпан шаҳрининг Ленин кўчасидаги 199-уйда истиқомат қилади. Унда ҳам икки нафар фарзанд бор.

У ҳам мудир бўлиб олди-ю, болаларимни ҳаром пул билан боқаманми, деб ўйлаб кўрмади. Қолаверса, давлат пуллари эвазига шунақа «хотамтой» бўлиб кетдики, унинг марҳаматидан баҳраманд бўлганлар тилларидан бол томиб гапиринишарди. 1989—1990 йиллар давомида у таниш-билишларидан 12 кишига кассадаги пулдан 5 минг 580 сўмни қарзга берворди. Ўзининг энг яқин маслақдоши (бизнинг биринчи қаҳрамонимиз) 1-кўпмолли дўкон бўлим мудир Ҳусниддин Икромиддиновга топганда қайтариниш шарти билан 8 минг 350 сўмлик пул ва молларни насияга ҳада қилди. Қариндошларига нисбатан эса яна қўли очиклигини намоиш этди. Мартабахон Жумабоева 13 минг сўм, Ёлчибой Охунов 9 минг сўм, Усмон Шарофиддинов 5 минг сўм сўрашган эди. Исоқжон уларнинг савасини ўлдирмади. Ўз навбатида ҳожати чиққанлар уни узоқ дуо қилиб, мартабаси улуғ бўлишини тилаган бўлсалар керак. Қаранки, ўша дуолар бир марта ижобатга ҳам ўтди. 1990 йил 31 октябрь кун матлубот жамияти инвентаризатори Рустам Усаров унинг жавобгарлигидаги бўлимда молларни рўйхатда қайд эта бошлаган маҳалда 94230 сўмлик камомад борлиги рўй-рост кўзга ташланиб қолди. Лекин матлубот жамиятининг ўқувчиларга анчагина танилиб қолган бош ҳисобчиси Ниёзали Эркабоев яна ёрдам қўлини чўзиб юборди. Унинг тазийқига учраган тафтишчи қалбаки ҳужжатлар тўплаб, жиноятни яширишга мажбур бўлди.

3. Енғин.
— Ишимиз пачава, — деди бир кун Ҳусниддин оғай-

ниси Исоқжонга. — Кўрмаганнинг кўргани курсин, деганларидек, камомадимиз ҳам анча-мунча бўлиб қолди.

— Парво қилманг, — Исоқжон унга тасалли берди, — Ниёзали тоға бор, ташвишга на ҳожат?

Ҳусниддин бу сафар ўйланиб қолди. Пешонаси тиришди. Негаки, суянган тоғи ҳисобланмиш Ниёзали тоғасининг бу сафар қўллаб юбориши амри маҳол эди. Ўзи ва оғайниси юзага келтирган қарз оғир-тош бўлиб, ҳатто суянчилигини ҳам ботқоққа тортиб кетиши мумкинлигига ақли етарди унинг.

Улар узоқ маслақатлашишди. Охири қандай бўлмасин, дўконларга ўт қўйишга азму-қарор қилишди. Қўлаб кетмаслиқнинг бирдан-бир йўли шу эди. Бунинг учун эса ўтдан ҳам, сувдан ҳам қайтмайдиغان шерюрак йигитларни ёллаш керак. Ана шу мақсадда икковлон Қўқон шаҳрига йўл олишди. Тўғри Авангард кўчасидаги 1-«А» уйда истиқомат қилувчи Муҳсин Муҳаммадиевга учрашди.

— Сиз бизни мушкул аҳволдан қутқарсангиз, бу яхшилигингизни унутмаймиз, — деди Ҳусниддин. — Эвазига 15 минг оласиз.

— Мана буниси хамир учидан патир, — дея Исоқжон 9 минг сўм тутқазди.

Пулни сариқ шайтон, деб бежиз айтишмаган. Аввалига тайсаллаб турган Муҳсин қўлидаги бир даста пулга узоқ термулди. Кейин хавфли бўлсада, таванкал қилиб, дўконларга ўт қўйишга розилик билдирди. Лекин бу ишда ишончли шерик керак. Ана шу шерик Оқтепасой кўчасидаги 109-уйда истиқомат қиладиган Маъруф Уринов бўлди...

Ҳар икки мудир 1 февраль кун режа бўйича тайёрларни кўришди. Ўз бўлимларига 40 литрдан бензин олиб келиб, яшириб қўйишди. Ниҳоят, тахминан кеч соат бешларда кўқонлик маслақдошлар етиб келишди. Муҳсин Муҳаммадиев 2-кўпмолли дўконга, шериги Маъруф Уринов эса 1-кўпмолли дўконга яширинча кириб олишди. Муҳсин шу ерда ўзича яна бир «ақлли» иш қилди. 106 сўм турадиган янги эркаклар костюмини эгнига кийиб олди. Кейин идишлардаги бензинни омборхонадаги моллар устига селип чиқди ва гугурт қақди. Сўнгра ўзи жуфтакни ростлади. Бу пайтда унинг ҳамтовови Маъруф ҳам ўзига топширилган вазифани қўйилмақом қилиб адо этганди.

Шундай қилиб, нопоклар ўз айбларини яшириш ниятида қўл урган жиноят туфайли 1-дўконда 22484 сўм 65 тийинлик, 2-дўконда эса 3091 сўм 60 тийинлик моллар қуйиб кулга айланди.

Қинғир ишнинг қийини очилди, буёғи нима бўлиши маълум...

Али Эрдон.

ТЕМИР ЙЎЛДАГИ ЎГИРЛИК

Қўрғонтепа станциясида шу йилнинг май ойи ўрталарида 12 та ўғри қўлга тушди. Уларнинг барчаси Душанбе темир йўли ходимларидир. Бу азаматлар 1,5 йил давомида 30 дан зиёд ўғирлик қилганлар. Хўжасизликдан фойдаланган ишчилар

вагонлардаги халқ хўжалиги юкларини, қимматбаҳо буюмларни талон-тарож қилишган.

Текинтомоқларни фох этиш учун Термиз темир йўли ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимига оператив вакиллари милиция катта лейтенанти Холмурод Жўраев, милиция катта лейтенанти Акбар Саъдуллаевлар тер тўқинишди. Ўғрилар қўлидан 10 минг сўмликдан зиёд озиқ-овқат ва санаот моллари тортиб олинди.

Ҳабибулла ШОДИЕВ.



Катта участка вакили милиция майори Соибжон Маҳаматов Андижон вилояти Марҳамат тумани ички ишлар бўлимида 1976 йилдан бери хизмат қилиб келмоқда. Унга қарашли бўлган ҳудудда 30 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бешта участка вакили С. Маҳаматов раҳбарлигида ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келётгани учун ҳам кейинги даврларда бу ерларда турли хил кўринишдаги қонунбузарликлар анча камайди.

СУРАТДА: милиция майори Соибжон Маҳаматов қабулига келган фуқаро билан суҳбатлашмоқда. Б. КЛЕЙМАН олган сурат.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени бошмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир, муҳаррир уринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УзССР